Ҳашар - элга ярашар

## СПОРТ БИЛАН ОШНО БЎЛСАНГ...

***Маҳаллаларимизда спортнинг футбол, баскетбол, кураш турлари оммавийлашиб кетган. Ҳар бир маҳаллада спорт мажмуи мавжуд. Қўшни маҳаллаларимиз спортчилари билан ҳам тез-тез спорт мусобақаларини ўтказиб турибмиз.***

Яқинда Қоратепа, Бешбулоқ қишлоғи футболчиларини Санчиқул маҳалламиз спорт майдонига беллашувга чақирдик. Ҳомийимиз ҳам бор. Муҳиддин ҳожи Санақулов ўз шахсий жамғармасидан 80 минг сўм пулни мусобақада ғолиб чиққан Санчиқул, Нисбот, Қулқишлоқ жамоаларига берди. Маҳалламиз раиси Абдували Кўчимов ёшларни курашга жуда қизиқтирди. Туман ва вилоятда ҳам кўплаб спортчилар фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Юнон-рум кураши бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси "Ўзбекистон ифтихори" медали соҳиби Аслиддин Худойбердиев, шундай кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, XXVI Атланта олимпиада иштирокчиси Шамсиддин Худойбердиев ҳам мана шу Қулқишлоқ маҳалласидан чиққан.

Халқимиз ҳашар йўли билан кўплаб ишларни бажаришмоқда. Кенагас маҳалламизда 840 ўринли мактабимиз 90 кунда ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Санчиқулда 50 ўринли болалар боғчаси, Қорабулоқда 7 та стадион қисқа муддатда фойдаланишга топширилди. Санчиқул ва Баҳрин маҳалла идораларини ҳам шундай йўл билан барпо этяпмиз.

Қулқишлоқ касб-ҳунар лицейи фаолият кўрсатмоқда. Мини цехлар ишини ҳам жонлантирдик. Сутни қайта ишлаш, тамат, оҳак тайёрлаш, макарон ишлаб чиқариш, нон пишириш цехлари ҳам Очамайли, Кенагас, Совған, Баҳрин қишлоқларимизда аҳолига хизмат қилмоқда.

**Сирож НУРУЛЛАЕВ,**
**Ургут тумани Илонли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**
**Мавлон ЭШОНҚУЛОВ,**
**Ўкрач маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Бугун соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

***Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёт тарзи жаҳон фанига улкан ҳисса қўшган юзлаб атоқли олимларни изланишга ундамоқда. Шарқшунос олим Бартольднинг таъкидлашича, Амир Темур ўз ҳаётида барча соҳадаги мураккаб вазиятларда ҳам тушкунликка тушмай муаммолар ечимини ижобий ҳал қилган.***

# АМИР ТЕМУР эл-юрт ободлиги йўлида

Улуғ саркарда ҳокимиятига Марказий Осиёдан тортиб, Эрон Сурия, Ироқ, Озарбайжон, Афғонистон, Кавказорти, Болқон ярим оролидаги давлатлар кирар эди. Ушбу ҳудуддаги барча миллат, халқларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун барча имкониятлар яратилганди. Ҳиндистон, Эрон, Сурия, Ироққа қилган ҳарбий юришларидан қайтаётганда, у Самарқандга жойлардан моҳир қурувчи, меъморлар ҳамда бошқа ҳунармандларни ҳам олиб келиб, уларга керакли шарт-шароитлар яратди. Пойтахт - Самарқанднинг жозибадор, кўркам бўлиши учун такрорланмас қасрлар, саройлар қурдирди. Айниқса, Боғи-шамол ва Боғинав саройлари бир-биридан гўзал бўлиб, ҳар қандай одамни лол қолдирар эди. Уларнинг ичи ҳамда ташқариси Сурия наққошларининг моҳирона ижоди билан гўзал сурат ва лавҳалар ила зийнатланган эди. Бу саройларнинг ҳар бири тўртбурчак шаклда бўлиб, ҳар томони 1500 метрни ташкил қиларди.

Самарқанд ва унинг атрофидаги шоҳона сарой ва боғларда тантанали маросимлар: тўйлар, турли сайллар ўтказилган.

Тарих манбаларига қараганда, Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда унинг амри билан Хуросон, Мовароуннаҳр ва Озарбайжонда бир қанча шаҳар ва қалъалар қайта тикланди, айримлари янгидан қурилди. Мўғуллар вайрон қилган Сирдарё соҳилидаги энг қадимги Банокат шаҳри 1392 йили қайта қурилиб, унинг теварак-атрофидаги аҳоли кўчирилиб, шу масканга жойлаштирилади. Бу янги қад кўтарган шаҳар кенжа ўғли номи билан Шоҳруҳия деб аталади.

1401 йили Кавказдаги Аракс дарёсидан барча қўшин билан Байлакон ҳудуди учун канал қаздириб, сув чиқарди. Икки йил ичида янги гўзал шаҳар қад кўтарди. Шаҳар ичида сарой, Чорсу бозори, дўконлар, турли турар-жойлар барпо этилади. Амир Темур даврида Бухоро, Ҳирот, Хоразм, Хўжанд, Шош-(Тошкент) ва бошқа шаҳарларда кўплаб мадрасалар, масжидлар, работлар (карвонсаройлар) қурилди. Айниқса, ободончилик ишларига катта аҳамият берилиб, шаҳар кўчаларини равон бўлишига катта аҳамият берилган.

1403-1406 йиллар Амир Темур давлатида Кастилия (Испания)нинг элчиси бўлган Р.Клавихо ўзининг Самарқанддаги "Амир Темур саройига саёҳат кундалиги" деган машҳур асарида ўша даврдаги бозорларни шундай ифодалайди: "Кўп юртларда бўлиб, бундай ажойиб бозорни кўрмаганман. Хоҳлаган буюм, нарсаларнинг барча турлари мавжуд. Айниқса, заргарлик буюмларининг қойилмақом қилиб нафис ишланганлиги ҳар қандай одамни ҳайрон қолдиради. Меваларнинг турига бир нарса дейишга ожизман. Олди-сотдида ҳеч қандай қаллоблик, алдамчилик йўқ. Сотувчиларнинг ҳушфеъл муомаласи эса, уларнинг юқори нозик тарбия кўрганликларидан дарак беради". У тўрт йиллик элчилик фаолиятида фақат Амир Темур саройида яшаб, айрим машваратларда ҳам қатнашган. У Гўри Амир мақбараси қурилишини ўз кўзи билан кўриб, иштирокчи бўлган: "Император Темур набираси Муҳаммад Султонни (Жаҳонгирнинг ўғли) жуда яхши кўрар ва ўзига валиаҳд қилишга аҳд қилган эди. Лекин Муҳаммад Султон Боязид билан бўлган жангда фаол қатнашиб, бобосининг ғалаба қилишига улкан ҳисса қўшди. Уруш тамом бўлгандан кейин у тўсатдан касал бўлиб вафот этди. Император Темур набираси жасадини Самарқандга олиб келиб тезлик билан унга мақбара қуришга фармон берди. 1403 йилнинг 30 октябр, пайшанба куни Император Темур ўрдадан шаҳар томон йўл олиб, набираси учун қурилган мақбарани бориб кўрди. Мақбара Муҳаммад Султон мадрасаси ёнига қурилган эди. Мақбара тўртбурчакли шаклда жуда баланд бўлиб, ичи, ташқариси бетакрор олтин, ҳаворанг бўёқлар, рангли шишалар, чиройли мафтункор кошинлар мажмуаси билан инсонни лол қолдирадиган даражада безатилган эди. Лекин император Темурга мақбаранинг шакли, кўриниши ёқмади. У мақбарани бузиб, ўн кун ичида янги лойиҳа бўйича бошқа мақбара қуришга фармон берди ва 10 кун ичида ўзи икки марта келиб, қурилиш боришини назорат қилиб, керакли қўшимча топшириқларни берди.

Шундай жозибали, кўркам ёдгорлик мажмуасини ўн кун ичида қуриб битказилиши ақлга сиғмаса ҳам, лекин Амир Темурнинг қудрати нимага қодир эканлигини амалда яққол исбот этган. Амир Темур вафотидан кейин, 1405 йили шу мақбарага ўзи дафн қилинган. Шунинг учун уни "Гўри Амир мақбараси" дейишади.

Соҳибқирон ўз пирларидан бири Шамсиддин Кулол ўгитлари, насиҳатлари, маслаҳатларига ҳаётда ҳамиша амал қилган. У Темурга шундай деганди: "Ўзингдан катталарнинг доимо ҳурматини жойига қўйиб, насиҳатларига қулоқ сол. Ҳукмдор бўлиб, бошқа юртларга борсанг, ўша борган жойингда дафн қилинган буюк сиймолар мақбарасини зиёрат қилиб, Қуръондан бир оят ўқиб, уларнинг руҳларини шод қил. Иложи бўлса, мақбарасини таъмирлаб ёки янгисини қурдиргин. Шундагина Худо сенинг ишларингга ривож беради, ишинг доимо ўнгидан келади.« Амир Темур 1391 йили Тўхтамишга қарши юриш қилган даврда қисқа вақт Чош (Тошкент)да тўхтаб, Кўкчадаги Шайх Зайниддин ҳамда Занги ота мақбараларини қайта қуриш учун маблағ ажратиб, махсус ишончли одамларини қолдирган. Шундан кейин Аҳмад Ясавий мақбарасини қурдирган. Бу ишлар Амир Темурнинг барча соҳадаги ишларига мадад бўлиб, ҳарбий юришларида зафарларига ёрдам берган.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Оилавий муаммоларни ижобий ҳал этиш учун шу кунлар жуда қулай. Соғлигингизга эътибор беринг.

**СИГИР(22.0420.05)**

Орангизда чет тилларини ўрганаётганлар бўлса, шу кунларда улар катта ютуққа эришадилар.

**ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)**

Сизнинг очиққўнгиллигингиз қарама-қарши жинс вакилларини ўзига ром этади. Хушомадлар оғушида қоласиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Дам олиш кунларигача мавжуд муаммолар ечимини тополсангиз, оила даврасида хотиржам дам оласиз.

**АРСЛОН(23.07-22.08)**

Рўзғор ташвишларига ўралашиб қолишдан ўзингизни сақланг. Жамоат ишларида фаол бўлинг.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Олисдаги дўстингиз ҳақида кўнгилли хушхабар эшитасиз. Оилангизда қалтис вазият юзага келиши мумкин.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Бир қанча вақт олдин йўл қўйган хатоларингиз оқибати шу кунларда юзага чиқиши эҳтимол.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Ишбошилик қила олиш қобилиятингизни намоён этишдан тортинманг. Ҳамкасбларингиз бунинг қадрига етишади.

**ЎҚОТАР(23.11-21.12)**

Ўзингизга бўлган ишончингиз, кўпгина ишларингизда сизга ютуқ келтиради.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

Юмушларингиз кўп бўлсада, меҳмонга таклиф этувчиларга рад жавобини берманг.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**

Айни кунларда молиявий аҳволингиз яхши эмас. Қайғурманг, бу ҳолат вақтинча.

**БАЛИҚ(19.02-20.03)**

Сизни қўллаб-қувватлагувчи кишиларнинг ёрдами билан жуда муҳим муаммони ҳал этасиз.

***Зарафшон кўпригидан ўтиб, Самарқандга шарқ томондан кирсангиз ёйилиб кетган тепаликка дуч келасиз! У Чўпонота номи билан аталади.***



## САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР...

Кейинги пайтларда терраса усулида ҳайдалиб, турли дарахт кўчатлари ўтказилган, бинолар қад ростлаётган, ривоятлар, афсоналари билан хаёлга толдирадиган бу маскан шаҳарга мўътадил иқлим бағишлаб туради. Ҳа, дейсиз ўзингизча, Соҳибқирон ўз пойтахтини қайси жойга қуришни билган эсаётган шамол Зарафшоннинг мавжларига чўмилиб, Чўпонотанинг гиёҳларидан ҳидлаб, шаҳарга кириб боради. Улуғларнинг айтишига қараганда Чўпонота қўй боқиб, кўпайтириб, одамларга улашган эмиш. Халқимиз бу касб эгаларини жуда қадрлашади, қўйни беҳиштдан чиққан, тўкинчилик рамзи деб улуғлайдилар.

Буюк бобомиз Амир Темур бу ерларни боғ қилган. Тарих манбаларига қараганда бу гўзал боғни қуришда Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларнинг боғбонлари, меъморлари иштирок этганлар. Анжирзорлар, узумзорлар, олмазорлар унинг кўркига кўрк қўшиб турган. Самарқанд меваларининг шуҳратини мана шу Чўпонотада қурилган Боғи баланднинг маҳсулотлари оширган бўлса не ажаб! Ҳозир ҳам жаҳон бозори деб ном олган Сиёб бозорига бориб, ҳозиргина ишкомдан узилгандай узумларни кўрасиз. Тар олмалар кўзингизни олади. Хурмо, нашвати, анорларни айтмай қўяқолай!

Хаёл кўзлари билан Чўпонота кенгликларига қаранг! Саховатли инсон сурувни боқиб юрибди. Қуёшнинг нурида, яйловларда, уйғонаётган адирларда қўзичоқлар басма-басига сакраяпти. Мўътадил ҳаво... Бекорга Самарқандни сайқали замин демас эканлар-да!

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Одамлар ва одатлар

## ЯПОНЧА ТЎЙ...

## У ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

**Тўй тантанасию таъзияли маросим ҳар бир кишининг пешонасида бор тадбир. Инсон дунёнинг қайси бурчагида яшамасин, қайси миллатга мансуб бўлмасин тўй қилади, таъзияли бўлади. Ҳар бир халқнинг бу икки тадбирда адо этиладиган, асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, тартиб-қоидалари мавжуд. Биз хоҳлаймизми, ёки йўқми тўй-маърака тадбирларимиз ана шу удумларга биноан ўтади. Бу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ўз навбатида ушбу удумлар ҳам энг аввало инсон манфаатларини кўзлайдиган бўлиши керак эмасми? Афсуски, айни кунда ўзимиз риоя этаётган удумлар манманлик ифодаси, ортиқча исрофгарчилик сабабчиси бўлиб қолмоқда. Албатта, биз кўпгина ортиқча маросиму тантаналарга барҳам беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Балки бу ўринда дунёдаги бошқа миллат-элатларда ушбу тадбирлар қай тартибда ўтказилишини таҳлил қилиш дабдабали тадбирлардан воз кечолмаётган айрим ҳамюртларимизнинг ўз фикрларини ўзгартиришлари учун туртки бўлар. Қуйида япон халқининг тўй тантанаси қандай ўтказилиши тафсилотларини ҳавола этмоқдамиз.**

Япония бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларидан ҳисоблансада, бу ерда асрий анъаналар ва урф-одатлар яхши сақланиб қолинган.

Япон тўйларини ўтказиш ниҳоятда мустаҳкам қоидалар доирасида ташкил этилган. Никоҳ тўйларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, тўй кунларини белгилаш ва барча сарф-харажатлар борасидаги тартиб барчага тааллуқлидир.

Энг муҳими, аждодлар удумига итоат этган ҳолда японияликлар тўйларни оиланинг моддий аҳволи, ота-оналар ва турмуш қураётган икки ёшнинг истаклари асосида кўркам ва ихчам тарзда ўтказишга интиладилар.

Биздаги каби кунчиқар мамлакатда ҳам тўй ёшларнинг ўзаро танишувидан бошланади. Йигит ва қизнинг бир-бири билан танишиши ёки яқин дўстлари орқали учрашиши аксарият ҳолларда қадимий урф-одатлар асносида кечади. Бўлғуси куёвнинг ота-онаси ўзларига маъқул оиладан келин олиш мақсадида қизнинг уйига "накадо сан" яъни, совчи юборишади.

Совчилик вазифасини уларга яқин бўлган оқсоқол, куёвнинг қариндоши ёки ота-онанинг дўстлари бажариши мумкин.

"Юиноу" тадбири ўзбекчасига "нон синдириш" маросимига тўғри келади. Бу маросим ҳар иккала томон учун ниҳоятда муҳимдир. Баъзи бир японлар бу воқеани тўйнинг ҳал этувчи қисми сифатида баҳолашади. Айнан "юиноу" маросимида азалий урф-одатлар ва удумларга қатъий риоя этилади.

Шу куни куёвнинг ота-онаси ва қариндошлари совчи бошчилигида келиннинг оиласига ташриф буюришади. Анъанага кўра, улар келин хонадонига тўққиз хилдаги совға, қалин пули ва келиннинг олмос узугини олиб келади. Совғалар дастлаб келинга, кейин эса унинг ота-онасига ва қариндошларига кўрсатилади. Одатга кўра, қизнинг ота-онаси куёв томонидан келтирилган қалин пулининг 50 фоизини қайтариши шарт. Аммо баъзи ҳолатларда томонлар ўзаро келишиб, қалиннинг фақат ярмиси олиб келинади. Қалин пули ёш келин-куёвнинг янги оиласини барпо этишга сарфланади. Лекин бугунги кунда 42 фоиз ҳолда қалин пули ва 30 фоиз ҳолда олмос узук берилмайди.

Ана шу маросимда икки қуда ўртасида уларнинг келиб чиқиши, аждодлар шажараси ва қариндошларнинг қаерда яшашлари ва қайси лавозимда ишлашлари ҳақидаги маълумотлар ёзма тарзда алмашилади ҳамда барча оила аъзоларининг соғлиғи тўғрисидаги тиббий маълумотнома ҳам икки томонга берилади.

"Сарпо" маросими ҳам жиддий тайёргарликни талаб қилади. Бунда "юиноу"нинг акси ўлароқ, асосан келин томоннинг ҳаракати кўзга ташланади. Қизнинг ота-онаси янги хўжалик учун зарур бўлган уй-рўзғор анжомларини совға сифатида куёвнинг оиласига жўнатади. Бу маросим никоҳ тўйидан 3-4 ой олдин ўтказилади. "Нон синдириш" маросимидаги каби барча совғалар рўйхатга олиниб, топширилади.

Икки оила бошқарувчиси совчи ёрдамида тўй кунини белгилаб, меҳмонларга таклифномалар юборишади. Одатда никоҳ тўйида бор-йўғи 40-80 киши иштирок этади. Никоҳ тўйлари катта шаҳар шароитида меҳмонхоналарда ўтказилади.

Японияда тўйни ташкиллаш, ўтказишга ихтисослашган махсус компаниялар бор. Улар никоҳ тўйини ташкил этиш ва уни ўтказиш, келин-куёвлар учун либослар ижараси, сартарош, пардозчилар хизмати, никоҳ ўқилиши маросими, тўй дастурхони, созандалар, транспорт хизмати ҳамда бошқа барча ишларни ўз зиммасига олишади.

Тўй харажатлари бўйича кузатувлар шуни кўрсатадики, пойтахт Токиодан мамлакат ичкарисига қанчалик кириб борилса, улар шунчалик ортиб бораверади.

Токиоликлар тўй ўтказиш анъаналарига унчалик жиддий эътибор беришмайди. Шу туфайли бу ердан никоҳ тўйлари билан боғлиқ маросимларга сарфланадиган харажатлар бир неча бор қисқартирилган. Мамлакат шимолида жойлашган Хоккайдода ҳам тўйлар камхаражат ўтказилади.

Префектуралар (вилоятлар) аҳолиси тўйларни миллий анъаналарга содиқ қолган ҳолда ўтказишади.

**Беруний АЛИМОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**
**Токио.**

Обод маҳалла йили

*нинг энг асосий тадбирлари ҳали олдинда. Бундан бебаҳра қолмайин десангиз газетамизга обуна бўлишни унутманг!*

НАШР КЎРСАТКИЧИМИЗ 148

Обуна-2003

Mahalla

«Mahalla»га обуна бўлмасангиз уйга ҳам келманг, демаганмидим?



Сиз ҳам обуна бўлишни унутманг!

Шунақаси ҳам бўлади ...

***Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида туғилиб вояга етган Қаҳрамон Санаев ҳозирги пайтда Қашқадарё вилояти Муборак шаҳрида хизмат қилади.***

## Чақалоқ поездда туғилди

Келин Наргиза Очилованинг ой куни яқинлашган дамларда қайнонаси Амбар Санаева ҳам Муборакда эди, оилага ёрдамлашиб турганди.

Оила янги меҳмонни Пахтачи туманида кутиб олишга қарор қилишиб, йўлга отланишди. 5 март куни Бухорога келишди, сўнг Бухоро Тошкент йўловчи ташиш поездига ўтиришди. Кечки пайт Қаҳрамон Санаев оиласи тушган 18 - вагонда ташвишли воқеалар бошланди. Вагон кузатувчилари Орифжон Одилов билан Абдуқаҳҳор Йўлдошевлар онага ёрдам беришга шошилишди.

Орифжон поезд радиоси орқали йўловчиларга акушер - гинеколог зарурлигини айтиб мурожат қилди. Она ва туғилажак гўдак бахтига поездда худди шундай шифокор бор экан. У Бухоро шаҳар каслхонасининг 1 - тоифали акушер - гинекологи Мавжудахон Файзуллаева бўлиб, Тошкентда таълим олаётган ўғлини кўриб кетишга отланган экан.

Шифокор ва онага алоҳида купе ажратилиб, керакли буюмлар имкони борича ҳозирлаб берилди.

- Агар чақалоқ қиз бўлса, исмини Мавжудахон қўямиз, - деди вагон кузатувчиси Орифжон.

- Ўғил бўлса-чи! Унда сизнинг исмингизни қўямиз - деди шифокор.

Онага нафақат 18 - вагондаги йўловчилар, балки бутун поездаги йўловчилар аҳоли ёрдам учун шай эди.

Фарзанд эсон-омон дунёга келди. Мусрақил Юртнинг келажаги бўлиб янги Орифжон баҳорнинг илк кунларида поездда кетаётган йўловчилару хизматчилар юракларини қувончларга тўлдириб «инга» лади...

**Қаҳрамон НОРБОЕВ,**
**Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги Деҳқонобод ширкат хўжалиги.**

Эълонлар!

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Бешқўрғон маҳалласининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**

«А Улуғбек А» ХФ га савдо қилиш учун 2000 йил 7 апрелда берилган 05582 рақамли лицензия бекор қилинади

Қўйлиқ бозори бозори яқинида 7 сотихли ҳовли жой сотилади ёки квартирага алмаштирилади.
тел: 450582

Уй сотилади
Тел. 191-47-90

Билмасангиз, билиб олинг!

**Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа турдаги шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишлича**

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси университетнинг Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш кафедраси мудири, профессор Аҳаджон Ҳасановга падари бузрукворлари **АҲМАДЖОН ҳожи ота**нинг вафотлари муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ,
Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР,
Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7790 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-239 Топширилди—